



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra



IWMI
International
Water Management
Institute



**МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ДАЛА ШАРОИТИДА ЕРНИ ВА СУВНИ
САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЛОЙИХАСИ**

***ҒЎЗА ЗАРАРКУНАНДАЛАРИГА ҚАРШИ КУРАШ
ИСО ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА
УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА***



ФАРҒОНА

Олтингугуртнинг охакли қайнатмаси (ИСО) ни тайёрлаш ва қўллаш

Олтингугуртнинг охакли қайнатмаси хўжаликларда ишлатиш вақтида тайёрланади. Бунинг учун олтингугурт кукуни, сўндирилмаган охак ва сув лозим бўлади. 100 литр сувга 12 кг олтингугурт кукуни ва 6 кг сўндирилмаган охак солинади. Дастлаб чўян қозонга (200 литр хажмдаги) 12 кг сўндирилмаган охак солинади ва устига сув қуйилиб, охак аста секин сўндирилади. Охакнинг ичидан чиққан тошлар олиб ташланиб, яна шунча оғирликда охак солинади.

Бошқа бир идишда 24 кг олтингугурт толқони сувга бутка шаклига киргунча аралаштирилиб, кейин қозонга солинади. Қолган миқдордаги сув ҳам қозонга солиниб, яхшилаб аралаштирилади. Сўнгра аралашманинг сатҳи белгиланиб олинади ва секин аста тагидан олов ёкилиб (газ ёки электр печкасидан ҳам фойдаланиш мумкин) қайнатила бошлайди. Қайнаш жараёни 60-70 минут давом этади. Бу вақт ичида аралашма олча сиропи тусига киради. ИСО ни қайнатиш давомида камайган суюқлик ўрнини қайнаган сув қўшиб тўлдириб борилади. ИСО тайёр бўулгач совутилиб тиндирилиб бошқа идишларга қуйиб олинади.

Бу суюқликни «она суюқлиги» дейилади. Унинг таркибида кальций полисульфиди ва бошқалар бўлади. Далада қўллаш учун «она суюқлиги» дан ишчи аралашма тайёрланади. Бунинг учун дастлаб «она суюқлиги»нинг қуввати аниқланади. ИСОнинг қуввати (сифати) Боме градуслари ёрдамида белгиланади. Бироқ сотувда бундай градусниклар бўлмаганлиги туфайли ИСОнинг қуввати унинг солиштирма оғирлигига қараб белгиланади. Бунда ўлчов бирлиги сифатида Боме градуслари кўрсаткичлари қабул қилинган. Солиштирма оғирлик кўрсаткичлари илова қилинган жадвалга асосан Боме градусниги кўрсаткичларига айлантирилади. Бунинг учун ИСОнинг «она суюқлиги»нинг

солиштирма оғирлиги оддий арометр ёрдамида аниқланади (жадвалга эътибор беринг). Хўжаликларда ариометрлар бўлмаса тайёрланган она суюқликдан 1000 мл (1 литр) ўлчаб олинади ва тарозида унинг соф оғирлиги аниқланади. Бу кўрсаткич граммларда белгиланади. Сўнгра у 1000 гр бўлинади, олинган натижа Ушбу она суюқликнинг солиштирма оғирлигини белгилайди. Солиштирма оғирлиги 1,285 (Боме градуси буйича 32⁰ ли) бўлган она суюқлик юкори сифатли тайёрланган ИСО ҳисобланади.

Бироқ қўлланган охакнинг сифати турлича (кўпинча пастрок) бўлганлиги (СаО нинг миқдорига кўра) сабабли хўжаликлар шароитида тайёрланган ИСО нинг она суюқлиги солиштирма оғирлиги 1,099-1,116 (Боме градуси буйича 13-15⁰) дан юкори бўлмайди.

Тайёр ИСО нинг дархол ишлатишнинг иложи бўлмаса она суюқликнинг устки қисми бирорта минерал мой (керосин, солярка, дизель ва х.к.о.) билан қопланиб, оғзи маҳкам беркитилган шиша идишларда сақланади. Агар ИСОнинг она суюқлиги ҳаво кириши мумкин бўлган шароитда сақланса ундаги таъсир этувчи мода – кальций полисульфиди аста –секин парчалани, идиш остида чўкма ҳосил қилади ҳамда оналик суюқликнинг сифати пасаяди.

ИСО нинг она суюқлиги тўғридан тўғри ишлатилмайди, уни қўллаш учун маълум миқдордаги сув билан аралаштирилиб, унинг ишчи суюқлиги тайёрланади. Ғўза ва бошка к/х экинларидаги ўргимчакканага қарши ИСО нинг Боме буйича 0,5-1⁰ ли ишчи суюқлиги тайёрланиб пуркалади.

Қуйида ИСОнинг она суюқлигидан 100 литр ишчи суюқлик тайёрлаш келтирилган.

ИСО «она суюқлик» дан ишчи суюқлигини тайёрлаш мақсадида суюлтириш

ИСО она суюқлигини куввати		100 литр ишчи суюқлигини тайёрлаш учун лозим бўлган она суюқликни миқдори (л. хисобида)		ИСО она суюқлигини куввати		100 литр ишчи суюқлигини тайёрлаш учун лозим бўлган она суюқликни миқдори (л. хисобида)	
		0,5	1,0°			0,5	1,0°
Ариометр буйича солиштирма оғирлик	Боме буйича °			Ариометр буйича солиштирма оғирлик	Боме Буйича°		
1,100	13	3,50	7,0	1,190	23	1,80	3,6
1,108	14	3,25	6,5	1,200	24	1,75	3,5
1,116	15	3,00	6,0	1,210	25	1,65	3,3
1,125	16	2,50	5,6	1,220	26	1,60	3,2
1,134	17	2,60	5,2	1,230	27	1,50	3,0
1,143	18	2,45	4,9	1,241	28	1,45	2,9
1,152	19	2,30	4,6	1,252	29	1,40	2,8
1,161	20	2,15	4,3	1,263	30	1,30	2,6
1,170	21	2,05	4,1	1,274	31	1,25	2,5
1,180	22	1,90	3,8	1,285	32	1,20	2,4

ИСО ни бошқа дорилар сингари эрталабки ёки кечки салқинда қўлланса, у янада самаралироқ бўлади.

Мазкур тавсияномани Ўсимликларни ҳимоя қилиш воситаларини талабини аниқлаш ва самарали қўллаш бўйича комиссияси, қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши қўллаш бўйича этган ва шу комиссия раиси, вазир С. Исмоилов томонидан қўллаш учун тасдиқланган.

Тавсиянома «Фермер хўжаликлари даласида сувнинг маҳсулдорлигини ошириш» лойиҳаси М. Мирзалиев, И. Ганиев, Х. Умаров ва К. Кобулов томонидан тайёрланган.